

1-26-2020

## A PERFECT MAN IN SUFISM ESSENCE OF SPIRITUAL MEASURES AND ITS CRITERIA

Hakima Yusupovna Salomova

*professor of islamic history and source studies and philosophy department, doctor of philosophy, BSU*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the [Philosophy Commons](#)

---

### Recommended Citation

Salomova, Hakima Yusupovna (2020) "A PERFECT MAN IN SUFISM ESSENCE OF SPIRITUAL MEASURES AND ITS CRITERIA," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 3 : Iss. 1 , Article 14.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol3/iss1/14>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

УДК: 101.8

**ТАСАВВУФДА “КОМИЛ ИНСОН” ЁХУД РУҲИЙ МЕЪЁРНИНГ  
МОҲИЯТИ ВА МЕЗОНЛАРИ**

**ДУХОВНЫЕ ПРИНЦИПЫ И КРИТЕРИИ СОВЕРШЕННОГО ЧЕЛОВЕКА В СУФИЗМЕ**

**A PERFECT MAN IN SUFISM ESSENCE OF SPIRITUAL MEASURES AND ITS CRITERIA**

**Саломова Ҳакима Юсуповна**

*БухДУ ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа  
кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори*

**Salomova Hakimia Yusupovna**

*professor of islamic history and source studies and  
philosophy department, doctor of philosophy, BSU*

**Таянч сўзлар:** тасаввуф, руҳий меъёр, руҳий меъёр мезонлари.

**Ключевые слова:** суфизм, духовный принцип, критерии духовного принципа.

**Key words:** sufizm, spiritual measure, spiritual measure criterion.

*Ушбу мақола маънавий ўлчовнинг моҳиятини, унинг моҳиятини очиб беради. Маънавий принципларнинг мураккаблиги, уларнинг мезонлари, барқарорлиги ва ўзгарувчанлиги, маънавий ўлчов ва комил инсон ўртасидаги диалектик алоқалар аниқланган. Инсоний фазилатлар орқали профессионал, тоза, ҳалол ҳаёт, Оллоҳга яқинлашиш усули ва Абдуҳолик Гиждувонийнинг маънавий ҳомийси бўлганлар Баҳоуддин Нақшбандийнинг маънавий издошларини айтдилар.*

*В статье раскрывается сущность духовной меры, ее сущность. Определяются сложность духовных принципов, их критерии, стабильность и изменчивость, а также диалектические связи между духовной мерой и совершенным человеком. Профессиональная, чистая, честная жизнь через человеческие качества, способ приблизиться к Аллаху и те, у кого есть духовный покровитель Абдуҳолик Гиждувони, продиктовали своим духовным последователям Бахауддина Нақшбанди.*

*This article reveals the nature of spiritual measure, its essence. The complexity of spiritual principles, their criteria, stability and variability, and the dialectic links between spiritual measure and perfect man are defined. Professional, clean, honest living through a human quality, a way to approach Allah, and those with a spiritual patron of Abdukholik Gijduvoni dictated their spiritual followers of Bahauddin Naqshbandi.*

**Кириш.** Тасаввуф ва Комил инсон муаммосини англаш учун энг олдин тасаввуф тавсифларини кўздан кечирсак.

Тасаввуфга қуйидаги таснифлар берилган:

1. Тасаввуф – нафс тарбияси ҳақидаги илмдир.
2. Тасаввуф – қўлингдаги бор нарсани бермоқдир.
3. Тасаввуф – илоҳий сифатларга эришмоқдир.
4. Тасаввуф – шариатга биноан яшамоқдир.
5. Тасаввуф - ақлдан устун турувчи илм.
6. Тасаввуф – дунёдан юз ўгириб, қалбни Оллоҳга йўналтиришдир.
7. Тасаввуф – илми Оллоҳдан келадиган илҳом, кашфу ҳолдир.
8. Тасаввуф – яратувчи Парвардигорни ва дунёни чуқур, қалбдан ҳис этиш, таниш ва билишдир.
9. Тасаввуф – ботин ва ғайб олами билан ошналик.
10. Тасаввуф – яхши, олий хулққа кириш ва паст хулқдан чиқишдир.
11. Тасаввуф – тоат-ибодат ва яхши ишларга маҳкам дил боғламоқ, Оллоҳга муҳаббат қўймоқ ва унинг васлига етиш йўлида риёзат чекмоқдир.

**FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK**

12. Тасаввуф - Қуръони Каримга чин қалбдан амал қилиб, Пайғамбар суннатларини маҳкам тутиб, нафс лаззатларидан, ўзлигидан буткул воз кечиб, машаққат чекиб, фақат Ҳаққа етишиш учун яшамоқликдир.

13. Тасаввуф – Ҳақнинг сендаги “Сен”ни ўлдирши ва Ўзининг наздида тирилтиришидир (Жунайд Боғдодий, 910 йилда в.э.).

14. Тасаввуф – ёмон ахлоқдан парҳез қилиш орқали илоҳий сифатлар нурига етишдир (Ибн Арабий).

15. Тасаввуф – қалбни фақатгина Оллоҳга йўналтириб, мосуво – Оллоҳдан бошқа барча нарсалардан буткул алоқани узишдир (Имом Ғаззолий. 1111 йилда в.э.).

16. “...тасаввуф икки ишдир: бири – Оллоҳ буюргандек тўғри юрмоқ, тўғри турмоқ (мусулмонларга Оллоҳ фарз қилган жамики амалларда); иккинчиси – кўпчиликдан четлашмоқ (узлат), яъни ношаръий ишларда халқдан узоқлашмоқ” (Имом Ғаззолий. Охиратнома.. “Эй фарзанд...” рисоласи). – Т.: Ёзувчи, 1994. – 18 б). “Тасаввуф бир дам беғам бўлишдир”, деб ёзади Жунайд Бағдодий.

Бу иборанинг маъноси шундан иборатки, бир дам беғамлик – бу қалб осойишталиги, инсоннинг аслига (юқори меъёрига – С.Ҳ.) етгандан кейинги тамкинли саодати, дунё ташвишлари, нафс қутқусидан озодлиги ва ҳ.к.ларни англатади. Шу билан бирга, бир дам беғам бўлиш ҳаддан зиёд тўполон-ғалва қилмаслик, ҳаяжонланмасликни ҳам билдиради. Тасаввуф – бу энг аввало Комил Инсон ҳақидаги таълимотдир, бу инсоннинг руҳий меъёрга эришиши ҳақидаги ҳамда беқарор ўзгарувчан ҳолатдан барқарор ҳолатга (тамкин) ўтувчи, ривожланиш, такомиллашиш даражаларига етакловчи таълимотдир. Инсоннинг ўз маънавий оламини шакллантириш ва бошқариш унинг ўзидан катта матонат, меҳнат ва ирода талаб этади. Тасаввуф айнан инсон қалбини эзгуликка етакловчи таълимотдир. Бошқа иборалар билан айтганда, беқарор, ҳаракатчан, ўзгарувчан меъёрдан барқарор меъёрга ўтишдир.

Тасаввуф қисмларига – шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат мансуб. Тасаввуфнинг ҳар бир қисмида меъёр алоҳида мазмунга эга бўлиб, ҳар бир пиллапоядан ўтган сари унинг мазмуни ҳам бойиб бораверади. Мазмун бойиши билан барқарорлиги ҳам ошиб боради.

“Шариат айтадур, ўлдир илонни,  
Тариқат айтадур, оғритма жонни”.

**Асосий қисм.** Тасаввуфнинг бир қанча тариқат йўналишлари бўлиб, уларнинг ҳар бирида руҳий меъёр ўзига хос тарзда ёритилган. Унга эришиш омиллари кўрсатилган. Яссавия, кубравия, маломатия, қаландария, нақшбандия ва ҳ.к. ҳар бир тариқатда меъёр ва унинг мезонлари, меъёрга киритувчи ва ундан четга чиқарувчи омиллар алоҳида кўрсатилган. Носир Хисрав, Ғаззолий, Ибн Арабийлар ўз таълимотларини яратишда Қуръони Каримга таяндилар. Руҳий борлиқдаги меъёр борасида ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Носир Хисрав таълимоти ва ҳаётида маънавий-руҳий меъёр салмоқли ўринни эгаллайди. Носир Хисрав ўзининг “Қуллийёт” тўпламидаги “Кушоиш ва рахоиш” асарининг йигирма тўққизинчи саволида айнан маънавий-руҳий меъёрга оид муаммоларни ёритишга интилади.



Носири Хусрав - Nosiri Khusrav

**Носир Хисрав  
(1004-1089 йиллар)**

Оламдаги ҳамма нарсада меъёр мавжуд, аммо шундайлар ҳам борки, уларда меъёр йўқ. Тасаввуф намоеъндalари билим олишда ва эзгу амаллар қилишда меъёр чегараси йўқлигини таъкидлашади. Носир Хисрав фикрича: “Кишилар орасида ақллilари ақлий лаззатга интилади. Шундагина у умумий лаззатга эришади. Бу лаззат манбаи тоғлиқ оламдир... Фақат одам илм ўрганишдан лаззат топади, бу ҳис ҳайвонларда йўқ, илмнинг ҳар бир поғонаси яна юқорироқ поғонага олиб келади, демак билимнинг чегараси йўқ” [13, 71-72]. Ҳақиқатдан ҳам қадимги ҳинд ҳикматларида: “Уч нарсада: севги, овқатланиш, пул йиғишда меъёрдан ошма! Уч нарсада эса: ўқишда, ҳаракатчанликда, сахийликда меъёрга қарама,” деб таъкидлашгани бежиз эмас. Носир Хисрав “Кушоиш ва

## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

рахоиш” асарининг йиғирма тўққизинчи саволида моддий оламдаги беш хил тарозу ҳақида фикр юритади: ”Санашнинг энг кўп тарқалган хили, мазкур саноқ билан дарахтлар сони, ҳайвонот миқдори, табиат бойликлари, тухумлар, қушлар миқдори ва ҳ.к.лар саналади. Иккинчи – бу билан олтинлар қимматбаҳо тошлар қадр-қиммати, овқатлар – егуликлар сифати аниқланади. Учинчи тарози “паймона” дейилади, бу билан – бошоқли ўсимликлар ва ҳ.к. Тўртинчи тарозу билан суюқликлар ўлчанади. Бешинчи – матолар, нозик шойилар, карбос тўқима-матолар ўлчанади. Моддий оламдаги нарсалар бари айнан мана шу беш хил тарози билан ўлчанади. Маънавий – руҳий оламда ҳам ўлчов бўлиб, улар ҳам беш хил руҳий тарозида ўлчанади. Моддий ва руҳий олам тарозилари ҳам бир-биридан фарқ қилади. Руҳий олам тарозилар кўзга кўринмайди. Мазкур тарози палласининг бирида эзгулик, иккинчисидан эса ёвузлик “ўлчанади”. Тарози паллаларининг бири Ғарбда, иккинчиси эса – Шарқда. Кўзга кўринмайдиган бу тарозида эзгулик ва ёвузлик қандай ўлчанади?

Мазкур саволга Оллоҳ шундай марҳамат қилади: “Менинг томонимдан юборилган Қуръон – ушбу тарозидир. Алдамоқчи бўлганлар дўзах намоёндаларидир”. Руҳий олам тарозиларига: ақл, нафси кулл (оламий рух), Пайғамбар тарозуси, васий (ҳазрат Али тарозуси), ўз даври имомининг ўлчови киради” [10, 521-523]. Носир Хисрав “ақл” билан руҳий меъёрни боғлаши бежиз эмас. “Бирламчи ақл” – “ақли аввал”, ақли жуз қайсиқим бу ақл иккига: “ақли маод” ва “ақли маош”га бўлинади. Носир Хисрав руҳий меъёр мезони деб бирламчи ақл – нафси кулл деб ҳисоблайди. Мутафаккирнинг бу ғояси устидаги мулоҳазадан шундай хулосага келинади. Ақл – руҳий меъёр билан алоқадорликда бўлиб келади. “Ақл” араб тилида “ҳадд” маъносини билдиради. Носир Хисрав “Офоқнома” деган асарида нафсни тўртга бўлади:

1. Аммора – ҳукм, фармон берувчи;
2. Лаввома – мазамат қилувчи, азоб берувчи;
3. Мулҳима – илҳом берувчи;
4. Мутмаъина – устувор” [11, 94].

Ҳар бир нафс сифат жиҳатдан бир-биридан катта фарқ қилади. Аммора нафсни оловга, лаввома нафсни сувга, мутмаъинани тупроққа тааллуқли дейишади. Мансур Ҳаллож қатли олдидан ўғлига шундай насиҳат қилади: “Нафсинг сени эгарлаб олмасдан олдин, Сен уни эгарлаб ол”. Мансур Ҳаллож инсонни руҳий меъёрдан чиқарувчи омил нафс аммора эканлигини билгани учун ҳам, ўз қатли олдидан ўғлига айнан нафсни эгаллаб олиш – инсон осойишта яшашининг мезон эканлигини таъкидлаган. Нафс, кибр, манманлик, димоғдорлик, кеккайишлар – булар бари меъёрсизликдир.

Носир Хисравнинг “Офоқнома” асаридаги тўрт хил нафсининг моҳиятини ёритишда қуйидаги чизмадан фойдаланиш фикримизни ифодалашни осонлаштиради деб ҳисобладик:

Аммора	Лаввома	Мулҳима	Мутмаъина
1. Жаҳл	Зухд	Илм	Ҳаёлик
2. Ҳашм	Тақво	Ҳикмат	Тўла сабр
3. Бўғз	Ранж	Имон	Таслим
4. Қахр	Инсоф	Дониш	Ризо
5. Кина	Закот	Вафо	Эҳсон
6. Кибр	Ихлос	Меҳр	Адл
7. Ҳасад	Ҳаж	Рақс ва само	Шафқат
8. Бухл	Савм (рўза)	Важд (шавқ)	Авф
9. Нифоқ	Сало (ибодат)	Ҳалолат	Паноҳ
10. Ғийбат	Жиҳоз	Сўзининг мақбуллиги	Қаноат
Аммора нафс- Кифирлар нафси	Лаввома нафси- мўминларнинг нафси	Мулҳима нафс- Авлиё Оллоҳ нафси	Мутмаъина – бу анбиё- Оллоҳнинг нафси
	<b>Ш а р и а т</b>	<b>Т а р и қ а т</b>	<b>Ҳ а қ и қ а т</b>
<b>Руҳий меъёрнинг узвий тизими</b>			
Меъёрсизлик	Руҳий меъёрнинг илк босқичи	Руҳий меъёрнинг ўрта босқичи	Руҳий меъёрнинг юқори босқичи

**FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK**

Носир Хисравнинг руҳий меъёр мезони бўлган Ҳақ кундаги тарозуси борасидаги фикри Ғаззолийнинг фикри билан “кесишади”.

Ислом оламнинг буюк намоёндалари – Абу Ҳомид Ғаззолий ўзининг “Ихё Улум Ад-Дин”, “Ал-Кустас ал-Мустақим” асарларида, Ибн Арабий “Аль-футуҳат аль-Маккия”, “Фусус аль-ҳикам” асарида, Шайх Нажмиддин Кубро “Рисолаи Нажмиддин”, Шаҳобиддин Сухравардий “Аворуф ул-маориф” китобида руҳий борлиқдаги меъёр ва унинг мезонлари, ички руҳий меъёрни такомиллаштирувчи омиллар ҳақида фикр юритадилар [3].

Мутафаккир асарларида меъёр – “мақом”, “мукамаллик”, “мунтаҳа”, “ал-миқдор ал-лозим”, “ақл”, “камол”, “эътидол” тушунчалари орқали ёритилади.

Реаллик – моддийлик ва руҳийликдан иборат. Моддий – табиий ва руҳий борлиқдаги сифатлар фарқ қилингандек, улардаги меъёрлар, уларнинг мезони ва билиш йўл-услублари ҳам фарқ қилади. Ғаззолий таъкидлайдилар: “...Руҳий мезон табиий мезон билан тенг эмас... Аруз шеърлари ўлчови, у билан мунзаҳиф мустақимдан фарқланади, ажратилади. Бу мезон моддийлик мезонидан кўра руҳий мезонга яқин, аммо бу ўлчов танадан (жисмдан) холи эмас, чунки у товушнинг ўлчови, мезони, товуш эса танадан, моддийликдан ажралмасдир. Руҳий мезон – Ҳақ кундаги (Ҳисоб-китоб кундаги) тарозидир, бунда бандаларнинг фикри, иши, амали, билими ўлчанади, билим, ишонч ва эътиқод эса тана (жисм) билан боғлиқ эмас, шу сабабли бу мезон соф руҳийдир” [2, 319].

Инсоннинг амаллари фақат инсон учун хосдир. Бандаларнинг фикри ва иши, яъни амали бандадан айри эмас. Бу ишлар, амаллар, фикрлар Ҳақ кундаги тарозидида ўлчанади. Ғаззолий Қуръони Каримда келтирилган “меъёр-тақдир” деган ғояни содда тилда шарҳлаб уқтиради. Қуръони Каримда марҳамат қилинади: “Инсон фақат қилган амаллари орқасидан фойда кўради. Кимки Оллоҳ таолонинг жамолини умид қилса, бас, солиҳ амал қилсин. Зероки, яхши амаллари эвазига мукофот, ёмон амаллари эвазига жазо олгусидир”. Шу сабабли ҳам Қуръони Каримда “ҳисоб бериб туринг” дедилар. Ҳадис: Муҳаммад (с.а.в.) айтадилар: “Қиёмат сўроғидан илгари ўз-ўзингизга ҳисоб бериб туринг. Оллоҳ қиёмат тарозисига қўймасдан олдинроқ ўз амалларингизни ўлчаб юринг”.

Ғаззолий эслатади: Оллоҳ мукамал, у инсонларни яхши, ижобий сифатли бўлишга чақиради. Чунки барча ижобий, яхши, ҳамида сифатлар Оллоҳ сифатидир. Инсон сифатларини Ғаззолий куйидаги гуруҳларга ажратади: “би-т-таб”, яъни туғилган пайтдан бошлаб хос бўлган сифатлар (замонавий тилда буни табиий, биологик, индивидуал сифатлар дейилади), “иктисаб” - ҳаёт жараёнида юзага келган сифатлар; ташқи сифатлар; ички сифатлар; илоҳий сифатлар; ёмон сифатлар (замима сифатлар); ҳамида сифатлар; комиллик сифати. Ҳар бир сифат иккинчисидан тубдан фарқ қилади. Илоҳий сифат илм, яхшилик, олийжаноблик, ҳаммага шафқатли-муруватли бўлиш, доимо ҳақиқатнинг мезонида туришдир. Бундай сифатли инсон Оллоҳга яқинлашади, Бу яқинлашиши масофа маъносида эмас, балки сифатлар маъносида бўлади, деб такрорлайди Ғаззолий.

Ўз-ўзини таниган инсон Оллоҳни танийди. Доимо камчилик ва ютуқларини, кемтиклиги ва комиллигини билган инсон Оллоҳни танийди. Чунки бундай инсонлар ўз камчилигини, нуқсонларини йўқотишга интилади. Руҳий аниқ, маълум сифатли ҳолатлар Ғаззолий асарларида “мақом”, “ҳол”, “аҳвол” тушунчалари орқали берилган – булар бари руҳий меъёр ривожланишидаги поғоналарни ифодалайди. Бу узвий меъёр поғоналарининг илк босқичларига киши руҳиятидаги руҳий меъёрлар қатъий, ўзгармас бўлса, юқори поғоналарга чиққан сари бу руҳий меъёрларнинг қатъийлиги, доимийлиги, ўзгармаслиги ортиб бораверади. Охири меъёр қатъий, олий меъёр бўлиб, бу мукамаллик, комилликдир.



## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

Демак, Ғаззолий таълимотидан шундай хулосага келинадики, руҳий борлиқдаги меъёрнинг илк босқичларида, узвий меъёрларнинг бошланғич даврида меъёр ниҳоятда ўзгарувчан, ҳаракатчан, беқарор бўлиб, фақат юқори поғонада у ўзгармас, қатъий меъёрга ўтади.

Мукамаллик, комиллик фақат кемтикликда, номукамалликни кўрганда тушунилади, қадрланади.

Ғаззолий таъкидлайдилар: **“...руҳи инсонийким, ҳақиқати дилдур, ани ҳам эътидоли бордурким, яхши ибодат ва риёзатким, ани шарият бирла билгали бўлур. Токи шарият руҳи инсонийни эътидолида сақлар ва анинг сиҳатлигига сабаб бўлур” [5, 75].** Инсоннинг руҳий меъёри жараёндаги меъёрдир, шу сабабли унинг ўз чегараларидан чиқмаслиги учун шарият пойдевордир. Ғаззолий назарида, инсоннинг руҳий борлиғи ниҳоятда латиф, ўрганиш ғоятда мушкул. Руҳий борлиқдаги бу меъёр атрибутининг инсон. Бу меъёрни сақловчи омиллардан бири ўзини, ўз нафсини тийиш бўлса, иккинчиси қаноатдир.

Инсон руҳий меъёри инсоннинг ҳаракатида, фикрида, фаолиятида, амалиётида, муносабатида “моддийлашади”. Шу сабабли инсон ўзининг ички руҳий меъёрига мос оламни атрофида яратади. Агар инсоннинг ички руҳий меъёрига қилаётган иши, амали мос келмаса, ундай кишиларни “дили бошқа-ю, тили бошқа”, Қуръони Каримда уқтирилганидек, “мунофиқлар”, “иккиюзламачилар”, “риёкорлар” дейилади. Ҳатто бундай кишиларга бағишланган сура ҳам бор. Инсон руҳий меъёри билан амали, фаолиятининг “мос” бўлиши мураккаб жараён эканлигидан, инсон ўз умрининг охиригача руҳий меъёрнинг юқори, олий босқичларига, Ғаззолий ибораси билан айтганда, “мунтаха”, “комиллик”ка ўтишга ҳаракат қилади. Инсон руҳий меъёрининг илк босқичи жараёндаги меъёр бўлса, инсон олий босқичга қатъий, барқарорлиги билан илк босқичдаги меъёрдан катта фарқ қилади. Бу босқичдаги кишини меъёрсизликка “суриш” мумкин эмас, бундай кишилар руҳий сокин, барқарор, қатъий бўладилар, улар ўз фикрларини бошқаларга “юқтира оладилар”, чунки улар сўфийлар уқтирган шарият, тариқат, маърифат поғоналаридан ўтиб бўлган кишилардир. Шарият инсонга нима “ҳалол”, нима “ҳаром”, қандай фикр, амалингиз яхши-ю, қайсиси ёмон эканлигини ўргатади. “Ҳалол”, “ҳаром”, “яхши”, “ёмон” – ҳаракат, фаолиятнинг қатъий сифат фарқларидир. Комил инсон, Ғаззолий таълимотида, инсонларни гуруҳларга ажратиш мезони бўлади. Комиллик инсоннинг илоҳий сифатларини ўзига қай даражада “сингдириши”га қараб “ўлчанади”. Бошқача айтганда, Ғаззолий нуқтаи назарича, илоҳий атрибутлар инсоний сифатлар қадрининг мезонидир.

Қайси инсон ўз нафси учун ҳисоб-китоб қилиб турса, бу унинг ўзини ўрганиши, билишини келтириб чиқарадики, инсон ўзининг қайси ишлари – ҳаракат-амаллари тўғри-ю, қайси ишлари нотўғри, камчилик эканлигини билиб, уларни тузатишга уринади. Шу сабабли ҳам, Ғаззолий анбиёларнинг китоблардаги бу сатрларига: “Аъриф нафсака, наъриф раббака” – яъни: “Танигил ўз нафсингни, танурсан Парвардигорни” [5, 41] катта эътибор берган. Ўзни таниш эса, ўзига ўзга қараш билан, ўзининг ҳар бир қадамнинг натижасини билиш билан бошланади. Мукамал инсон Оллоҳга фақат илоҳий сифатлари билан яқинлашади. Инсон қанчалик илоҳий сифатларни ўзига сингдирса, ўша даражада Оллоҳга яқин бўлади. Инсон билан Оллоҳ орасидаги масофа учун вақт ва макон у қадар муҳим даражада аҳамиятга эга эмас. Инсон билан Оллоҳ орасидаги масофа, ер билан осмон орасидек жуда-жуда олис эмас, маънавий-руҳий меъёр учун фазо муҳим эмас. Инсон Оллоҳ сифатларини ўзида сингдирган сари, ўшанча даражада Оллоҳга яқинлашади.

Тасаввуф аҳли тили билан айтганда: “тамкин” ҳолат руҳий меъёрнинг юқори даражасига етган ҳолатни англатади.

Меъёр Ғаззолий нуқтаи назарига кўра, меъёрсизлик орқали, мукамаллик кемтиклик орқали аниқланади. Бу борада Ғаззолий бундай ёзадилар: “Мабодо тун бўлмаганда биз куннинг меъёрини, беморлик бўлмаганда саломатлик, дўзах бўлмаганда жаннатдаги роҳатни билмас эдик... Кемтиклик мавжудлиги туфайли, мукамаллик тўлиқлигича аниқланади. Мукамаллик ва кемтиклар ёнма-ён мавжуд. Олижаноблик ва донишмандликнинг мавжудлиги учун комиллик ҳам, кемтиклик ҳам бўлиши лозим” [1, 244].

## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

Ғаззолий асарлари меъёр нуқтаи назари бўйича таҳлил этилганда, куйидаги хулосалар келиб чиқишига сабаб бўлади:

1. Руҳий меъёр мезони – шариат, деб уқтиради Ғаззолий. Айнан шариат фақат руҳнигина балки, тан сиҳатлигини ҳам асрашга сабаб бўлади.

2. Инсон руҳий меъёри инсоннинг ҳаракатида, фикрида, фаолиятида, амалиётида, муносабатида “моддийлашади”. Шу сабабли инсон ўзининг ички руҳий меъёрига мос оламни атрофида яратади.

“Инсон, - деб ёзади Ибн Арабий “Фусус аль-ҳикам” асарида, - Худо учун кўз гавҳаридир. Худо ўзи яратган – инсонни такомилга етказишни истайди. Узук кўзидаги тош қанчалик ўз ўрнига мос қолса, инсон ҳам борлиқда шу узук кўзидаги гавҳардек қолиши керак: инсонгина сўзларни фарқлайди, тўплайди, оламда олиб қола олади. Хазинадаги жавоҳирлар муҳр орқали қандай сақланса, Инсони Комил ҳам оламнинг муҳри саналади” [6, 141]. Комил Инсон бор экан, олам тартиблилиги, мувозанати сақланади, чунки у айнан олам мувозанати, тартиблигини сақлаш учун қайғуради. Демак, Худо қўлида қурол бўлган инсон ўзида борлиқдаги руҳиятдаги жавоҳирларни йиғиб, синтезлай олади. Комил Инсон Худо қўлидаги қурол бўлган пайтидаёқ, илоҳий жилоланиш унга ўтади. Демак Инсони Комил ҳам боқий, ҳам фоний оламдаги энг юксак ижобий сифатларни ўзида мужассамлай олади. Инсон ўзида Оллоҳ сифатларини сингдирса, у комилликка ўта бошлайди. Комил Инсон – олам эгаси, уларда олам юраги уради. Комил Инсон – ўзлигини унутиб, ўзлигидаги “мен”ни ҳайдаган инсон. Олам Комил Инсон мавжудлиги учун ҳам сақланади.

Худди шу ўринда шуни аниқладикки, руҳий меъёр – жараёндаги меъёрдир. Бу руҳий оламдаги меъёр доимо аввалгисини диалектик инкор этади, бу жараён токи инсон тирик экан, давом этиб бораверади. Эзгуликка интилиб яшаш, савобли ишларни кўплаб бажариш бундай инсонлар шиори бўлиб қолаверади.

Демак, жаннатга йўл ҳар жабҳада меъёрни сақлаган инсонларга насиб этади. Бу борада Аҳмад Яссавий шундай ёзган:

Дунё учун ғам ема, Ҳақдин ўзгани дема.

Киши молини ема, Сирот узра тутаро [14, 33].

Ҳақиқат гўзал, одил ҳисоб-китобчи маъносини ҳам англайди. Оллоҳни қалбга нақшлаган инсон, деган маънони билдиради.

Баҳоуддин – тариқат эгаларининг султони, ҳақиқат ақлларининг далили, валийлар қутби, муттақийлар ғавси, ҳақ ва яқинлик билан машойихлар пешвоси, ҳожа Баҳоулҳақ ва миллат, ваддунё, ваддин (миллат, дунё, дин ҳақиқатларининг ўлчовчиси) Нақшбанд номи билан машҳур бўлган Муҳаммад ибн Муҳаммад ал Бухорийдир.

Баҳоуддин сўзининг маъноси руҳий борлиқдаги меъёр мезони маъносини билдирар экан. Ҳақиқатдан ҳам Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзлари инсониятга руҳий меъёрга – камолотга эришиш сирларини ўргатувчи устоз бўлганлар.

Нақшбанд фикрича, “Ал-ибодату ашарату ажзаин (ибодат ўн қисмдан иборат), тасъатун минха талабул – халали) ибодатнинг ўндан тўққиз қисми – ҳалол касб талабига амал қилишдир) ва жузун ваҳидун минхаъ саъриул – ибодати) ва шундан ўндан бир қисмигина – бошқа ибодатлардир – намоз, рўза ва бошқалар” [9, 14-15]. Баҳоуддин Нақшбанднинг ибодат борасидаги фикрлари, “Баҳоулҳақ-Баҳоуддин” унвонини қиёслаш шундай хулосага олиб келадики: биринчидан – ҳақиқат пойдевори – ҳалоллик (бунда моддий ва маънавий ҳалоллик назарга олинган-С.Х.). ҳалоллик – руҳий меъёр мезони, қилиб олинганини англаш қийин эмас; Иккинчидан, “ҳалол меҳнат” ғояси тасаввуф аҳлининг бошқа вакилларида қараганда чуқур, кенг, серқирра, мукамал ғоя сифатида олинган.

Баҳоуддин Нақшбанд маънавий-руҳий меъёрнинг мезони ҳалол меҳнат деб таъкидлайди.

**Хулоса.** Маҳмуд Зоҳид Қутқи ўзининг “Тасаввуфий ахлоқ” асарида Баҳоуддин Нақшбанднинг руҳий меъёр бораси ҳақидаги фикрлари устида мулоҳазалар юритади. Маҳмуд Зоҳид Қутқи вафотидан сўнг унинг “Тасаввуфий ахлоқ” асари Туркиянинг “Сена” нашриёти томонидан чоп этилди. Маҳмуд Зоҳид Қутқи Идрис Шоҳнинг “Шарқ мутафаккирлари” асарига таяниб, маънавий-руҳий меъёрга эришган инсонни “Саховатли зиқна”

## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

ёки “Махсус уйғунлашган инсон” деб атаганини таъкидлайди [8, 261-262]. **“Махсус уйғунлашган инсон” ёхуд “Саховатли зикна” деб ёзганида Баҳоуддин қандай инсонни назарда тутган экан?** деган саволнинг кўйилиши табиий. Уларнинг нуқтаи назарига кўра, “Саховатли зикна” деб номланган инсон айнан маънавий-руҳий меъёрнинг юқори нуқтасига эришган инсондир, бу инсон фақат табиат борлигидаги меъёрларнигина эмас, балки руҳий меъёрга эришиш йўллари англаган, уларга етишган инсондир. “Саховатли зикна” Нақшбанд таълимоти мазмунига кўра, Комил Инсонга мос инсондир.

**Форобий Комил Инсонни “Донишманд, файласуф, мустақил ақл соҳиби” деб атайди.** “Донишманд, файласуф, мустақил ақл соҳиби” деган ибора негизида Форобий, ўз фаолиятида назарий ва амалий қобилиятларини, ақлий (интеллектуал-С.Х.) ва ахлоқий сифатларини камол топирган одамнинг ақлида Ҳақиқат (Аллох) нури кашф этилган инсонни тушунади. “Комил инсон, - деб ёзади Форобий, - бу кишилик камолотининг энг юқори даражасига етган ва бахт-саодат эшигининг калитини топган инсондир” [4].

**“Комил инсон – дунёвий ва диний билимларни чуқур эгаллаган, сурати ва сийрати саранжом, одоб ва адабда бенуқсон, файз-у кароматда сероб, руҳи Мутлоқ руҳга туташ, қалби эзгу туйғуларга туташ зотдир”, деб таъриф берди Ибн Сино.** Ҳар учала таснифда ҳам бир маъно Комил Инсон - инсонийлик мезони” эканлиги уқтирилганига амин бўламиз.

“Ҳар бир Комил Инсон, деб уқтирган Баҳоуддин Нақшбанд, маълум маънода бошқа бир Комил Инсонни инъикос этади. Бу Комил Инсонлар қайси макон ва қайси замонда яшашидан қатъий назар, ўзаро алоқадорликда бўлишади [4]. Бошқача сўзлар билан ифодаланимизда **ҳар бир янги Комил Инсон - ўзидан олдин яшаган Комил инсоннинг диалектик инкоридир.**

Нақшбандия тариқатидаги меъёрнинг ўзига хос томони шундаки, тасаввуф тариқатлари ўртасида улар инсон тана ва руҳ меъёрлари мунособатига ўзгача назарда қарашган, буни бошқача сўзлар билан изоҳлаганимизда, тасаввуф йўлига кирган кишиларнинг баъзилари “тарки дунё қилиш керак”, танадан умуман воз кечиш керак, деган бўлсалар, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд бу инкорликни қоралайдилар, инсонга берилган ҳар бир узвда бир неъмат яширингандир, деб таъкидлайдилар аллома, модомики, бизга қўл берилган экан, у албатта, меҳнат қилиш учун берилган. Тарки дунёчиликни қоралаб “хилват дар анжуман” шиори остида “дил ба ёр-у- даст ба кор,” деб тариқат аҳлига мурожаат этганлар [9].

**Имом Ғаззолий инсон руҳини эътидолда сақловчи омил шариат деб ҳисобласа, ундан фарқли ўлароқ Баҳоуддин Нақшбанд “ҳалол меҳнат”, “ҳалол касб” эгаси бўлишлик деб таъкидлайди.** Меҳнат – муайян мақсадга қаратилган фаолиятдир. Нақшбанд таълимотида меҳнат сифати ўлчанади.

Меҳнат сараланади. Ўғри ҳам, тўғри, муттаҳам ҳам, деҳқон ҳам меҳнат қилади, бу меҳнатларнинг ҳаммасини ҳам ҳалол меҳнат дейиш мумкинми? Нақшбанд ғоясининг марказий нуқтаси меҳнат сифатини аниқлаш, унинг ҳалоллигига шубҳа қилмаслик, инсониятга фойда келтирадиган, бахт-саодат келтирадиган меҳнат кўзда тутилади. Ҳалол меҳнат – инсонни руҳий борлигини юксалтирувчи, аниқроғи руҳий меъёрнинг юқори босқичига олиб боровчи асосий омил саналади.

Абдулхолиқ Гиждувоний, Саййид Мир Кулол, Ҳасан ибн Ҳабиб Андоқий, Баҳоуддин Нақшбанд руҳий борлиқдаги меъёрларни, уларнинг тараққиёт поғоналари, комилликка етишув сирларини, инсон ички руҳий борлиғи меъёрини таъминловчи омиллар - (нафс, сабр, ҳалоллик-С.Х.), инсон табиий жисм, тана меъёри билан руҳий меъёрнинг мутаносиблиги, уйғунлиги ҳақидаги таълимотларни яратганлар. Халққа ҳалол ва ҳаром, тўғрилиқ ва эгрилик, ақллилик ва ақлсизлик, софлик ва мунофиқлик моҳиятларини кўрсатишган ва сабрлилик, ахлоқий поклик, эзгу сифатлар инсонни юксакликка кўтаришини кўрсата олганлар. Ҳалол касб, покиза яшаш орқали инсоний сифатларга эришиб Оллоҳга яқинлашиш йўллари Хўжайи Жаҳон маънавий унвонга эга бўлган зотлар Абдухолиқ Гиждувоний ва уларнинг маънавий шогирдлари Баҳоуддин Нақшбанд уқтирганлар.



**FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK**

**АДАБИЁТЛАР**

1. **Abu Hamid Al-Ghazali.** Voskreshenie nauk o vere. - M.: Nauka, 1980. - 244 p.
2. **Abu Hamid al-Ghazali.** Pravilnye vesy // Voskreshenie nauk o vere. - M.: Nauka, 1980. - 376 p.
3. **Abu Hamid Al-Ghazali.** Voskreshenie nauk o vere / Perevod s arabского i kommentariy Naumkina V.V. - M.: Nauka, 1980.
4. **Al Farabi.** Socio-ethical treatises. - Alma-Ata: Nauka, 1973. - p. 430.
5. **Zayniddin Muhammad Ghazzali.** Kimiyoi saodat. ("The Truth of Language"). - T.: Kamalak, 1994.
6. **Ibn Arabi.** Fusus al-hikam. Beirut, 1980.
7. **Mehmed Zahid Kotki.** Tasawwufi morality. "Sena" haskiyat. A.S. Book 1-5. - Ahkara: 1991. Book 2.
8. **Mehmed Zahid Box.** Sufi ethics.5-vol. - Ankara: Sena, 1991.
9. **Nasafiy.** Hazrat Bahauddin Naqshbandi. - T.: Nur, 1992.
10. **Nosir Khisrav.** College. Kushoish and rahoish. In two volumes.2. - Dushanbe: Irfon, 1991. - p. 636
11. **Nosiri Khisrav.** Ofoqnoma // "Sadoi Sharq" .- 1991. - №11. - S. 94.
12. **Smirnov A.V.** The great sheikh is Sufism. - M.: Nauka, 1993. - C. 328
13. **Shomuxammedov Sh.** Classics of Persian-Tajik literature. - T., 1963.
14. **Yassavi Ahmad.** Devonian wisdom. Wisdom. Volume 8 - T.: G'afur G'ulom, 1992. - B. 208.

УДК: 327.7

**ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ КУЧАЙИШИ:  
САБАБЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ**

**УСИЛЕНИЕ МИГРАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ:  
ПРИЧИНЫ И ПОСЛЕДСТВИЯ**

**INCREASED MIGRATION PROCESSES IN THE CONDITIONS OF GLOBALIZATION:  
CAUSES AND CONSEQUENCES**

**Муйдинов Дилшод Нажмиддинович**

*Ўзбекистон Миллий университети демократик давлат қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси тадқиқотчиси*

**Muydinov Dilshod Najmiddinovich**

*researcher of the department of theory and practice of democratic state building, NUUZ*

**Таянч сўзлар:** миграция, халқаро миграция, глобал миграция, мигрантлар.

**Ключевые слова:** миграция, международная миграция, глобальная миграция, мигранты.

**Key words:** migration, international migration, global migration, migrants.

*Мақолада глобаллашув шароитида миграция жараёнларининг умумжаҳон миқёсда умумбашарият тенденциясига айланиб, миграция йўналишларининг ортиб бораётганлиги, ривожланаётган давлатлар ҳамда ривожланган давлатларга бунинг бир хил таъсир кўрсатаётганлиги, миграция жараёнларининг келиб чиқиш сабаблари, тарихий ва замонавий босқичлари, миграциянинг глобаллашув даврида янада ортиши, ижобий ва салбий кўринишлари тўғрисида сўз юритилади. Миграцияга оид баъзи статистик маълумотлар қиёсий таҳлили келтирилган.*

*В статье рассмотрены процесс глобальной миграции, ее этапы и влияние на развивающиеся и развитые страны; определены причины миграционных процессов, позитивные и негативные последствия. Приведен сравнительный анализ статистики миграции.*